

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги  
хузуридаги Олий аттестация комиссиясига алоқа каналлари орқали  
коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул  
қилиш ва кўриб чиқиш**  
**РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий коидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида (кейинги ўринларда – ОАК)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент ОАКдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ОАК раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишонч телефони** – ОАКга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

**мурожаатчи** – алоқа каналлари орқали ОАКдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши қурашиб тизими** – амалдаги қонунчилик ва ички хужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, ОАК ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришиларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупциявий ҳавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан ОАК номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш ҳавфи;

**таалуқли хабар** – ОАКдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

**ходим** – ОАК билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. ОАК коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

**конфеденциаллик ва ҳавфсизлик** – алоқа каналларидағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган ОАКнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш)га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборгандиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, ОАК унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

**қонунийлик** – ОАК алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатта олиш, қайта ишлап ва кўриб чиқиши қатъий равишида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

**мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги** – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик

шахс, хусусан ОАК ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

**мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа** – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари ОАК томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

**таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги** – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, ОАК айборд шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

## **2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари**

5. Таалуқли хабар қўйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

ОАКнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

ОАКнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebookдаги расмий саҳифаси ([https://www.facebook.com/\\_\\_\\_\\_\\_](https://www.facebook.com/))) орқали;

ОАКнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

ОАКнинг телеграм боти (@\_\_\_\_\_ \_bot)

ОАКга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. ОАК алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равища юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўкув материалларига киритади, ОАК биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

## **3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш**

7. ОАКнинг Коррупцияга қарши ички назорат гурухи (кейинги ўринларда – Ички назорат гурухи) ОАКнинг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. ОАКнинг қўйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва ОАКнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

билин ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун ОАК раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

ОАКнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

ОАКнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

ОАКга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. ОАКнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Ички назорат гуруҳи масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Ички назорат гуруҳи масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни ОАК раҳбарига киритади.

Ички назорат гуруҳи масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қиласди. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. ОАК раҳбари таалуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиши учун ОАКнинг Ички назорат гурухига топшириқ туширади.

12. ОАКнинг Ички назорат гурухии таалуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичидаги уни иловага мувофиқ шаклда ОАКда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. ОАК мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда ОАКнинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, куйидагиларни амалга ошириши лозим:

ОАКга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласди (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

13. ОАК ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

14. Олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

#### **4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш**

15. Ички назорат гуруҳига келиб тушган барча таалуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки ОАК раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

16. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага қелиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

17. Таалуқли хабар келиб тушганда Ички назорат тузилмаси ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуқлилигини таҳлил қиласди, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг ОАК тизимига таалуқли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Ички назорат гуруҳига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

18. Мазкур Регламентнинг 17-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

19. Агар Ички назорат гуруҳи ходими хабар таалуқли эмас деган хulosага келса, бу хабар бир иш куни ичида ОАКнинг тегишли тузилмасига билдиригি асосида ўтказилиши лозим.

20. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Ички назорат гуруҳи ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Таалуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиши ОАКга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари, ОАКнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу хақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Ички назорат гурухи томонидан тайёрланиб, ОАК раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Таалуқли хабарларни кўриб чиқиши яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва кўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

### **5-боб. Ҳисобдорлик**

27. Реестрдан Ички назорат гурухи ходимлари, хабарларни кўриб чиқишида иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), ОАК раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Ички назорат гурухи ҳар чорақда ОАК раҳбарига қабул қилинган коррупциявий харакатлар тўғрисидаги хабарларга таалуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалуқли хабарлар ва кўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;

коррупциявий харакатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиши муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;

таалуқли хабарларни кўриб чиқишининг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

### **6-боб. Якуний қоида**

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга карши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

ОАКга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар түғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиши ва күриб чиқиши регламентига илова

## **ОАКда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидағи хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ**